

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Э.Р.Курбонов

*мустақил изланувчи*

**Аннотация:** *мазкур мақолада тадбиркорликнинг ташкилий ҳуқуқий шакли бўлган масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий тавсифи, тушунчаси ва юридик табиати таҳлил этилган.*

**Калит сўз:** *масъулияти чекланган жамият, хўжалик жамиятлари, қўшимча масъулиятли жамият, муассис, устав фонди, иштирокчи, тижоратчи ташкилот, тадбиркорлик фаолияти.*

Бугунги кунда давлатимизда аксарият тадбиркорлар ўзларининг бизнесини юритишда масъулияти чекланган жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклини қулай ва ишончли деб билишади. Хўш, нима сабабдан тадбиркорлар айнан мазкур ташкилий ҳуқуқий шаклини афзал кўришмоқда?

Амалдаги қонунчиликда масъулияти чекланган жамият хўжалик жамияти ҳисобланиб, Фуқаролик кодексининг 58-моддасида улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланаши, муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлилиги, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шаклида тузилиши мумкинлиги белгиланган.

Хўжалик жамиятларининг хўжалик ширкатларидан фарқли тарафи шундаки, хўжалик ширкатида иштирокчиларнинг бирлашиши ҳамда уларнинг ширкат ишларида фаол иштироки талаб қилинса, хўжалик жамиятларида эса ресурслар, маблағлар (капитал) жамланиши оқибатида вужудга келади ва шу нўқтаи назардан унда иштирокчиларнинг хўжалик жамиятлари ишларида шахсан қатнашиши талаб этилмайди.

Хўжалик жамиятларида иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ фарқли жиҳати айнан уларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги доираси билан баҳоланади. Мисол учун, масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. (ФКнинг 62-моддаси). Яъни уларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги таваккалчилик даражаси уларнинг жамият устав фондига киритган ҳиссаларининг миқдори билан белгиланади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг мулкӣ асоси жамият иштирокчиларининг ҳиссаларидан ташкил топган устав фонди (капитали)дан иборат. Устав капиталининг

миқдорига қўйилган талаб мавжуд эмаслиги масъулияти чекланган жамиятнинг бошқа хўжалик жамиятларидан устун томонини кўрсатади. Шу сабабли устав капиталининг миқдори иштирокчилар томонидан ихтиёрий қийматда уставда белгиланади. Бунда битта истисно ҳолат мавжуд бўлиб, жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори лицензия талабларида белгиланиши мумкин.

Қўшимча масъулиятли жамиятда жавобгарлиги доираси бироз кенгроқ бўлиб, Фуқаролик кодексининг 63-моддасига кўра, бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан кўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўлиши, иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланиши белгиланган.

Юридик адабиётларда юридик шахснинг мазкур ташкилий-ҳуқуқий шакли номланиши борасида ҳам бир қатор мулоҳазалар билдирилади. Хусусан, С.И.Сапкониинг фикрича, тижорат ташкилотининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакли номланиши “омадсиз” чиққан. Фикримизча, гап иштирокчи жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермаслиги сабабли масъулият чекланиши ҳақида эмас, балки ўзларининг киритган жамғармалари миқдорида зиён кўриш хавфи зиммасидалиги ҳамда ушбу жамғармани йўқотиш мумкинлиги ҳақида кетмоқда. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, хўжалик жамиятларининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги “масъулияти чекланган” атамасини иштирокчиларнинг устав капиталига киритган маблағларини йўқотиш хавфи номи билан атама мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу сабабли адабиётларда келтирилган масъулияти чекланган жамиятни “иштирокчиларнинг зиён кўриш хавфи чеклаган жамият” деб номлаш таклифига қўшилиш мумкин. Зеро, масъулияти чекланган жамият уни ташкил этган иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомидан алоҳида мустақил ҳуқуқий мақомга эга бўлган ташкилот ҳисобланади.

С.А.Макаровнинг таъкидлашича, “масъулияти чекланган жамият” ибораси юридик шахс ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзига хос белгиларини ифода этмайди, бинобарин иштирокчилар жавобгарлигининг чекланиши фақатгина масъулияти чекланган жамиятга хос бўлган жиҳат эмас, балки хўжалик жамиятларининг бошқа турлари ва кооперативлар (ишлаб чиқариш ва матлубот кооператив) ҳамда юридик шахслар бирлашмалари (уюшмалар)га ҳам тааллуқлидир. Масъулияти чекланган жамиятга нисбатан қабул қилинган ушбу ном Россияда ва бошқа хорижий мамлакатларда шаклланган ҳуқуқий анъанадан келиб чиқади ҳамда шартли ҳисобланади.

Фикримизча, масъулияти чекланган жамиятнинг юридик шахс сифатидаги моҳияти ва хўжалик жамиятлари тизимида тутган ўрни аввало бизнесга “тикилган” мулкнинг муассис – жисмоний ва юридик шахснинг бошқа мулкидан тўлиқ ажратилган ва алоҳидалиги, масъулияти чекланган жамият фаолияти эса фақат ана шу мол-мулкка асосланиши ва мажбуриятлар ҳам ана шу мол-мулкка таяниши ҳамда жавобгарлик ҳам

ана шу “тикилган мол-мулк” доирасида амал қилиши билан боғлиқ. Шу сабабли юридик шахсларнинг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги “масъулияти чекланганлик” ибораси масъулият (жавобгарлик) фақат қўшган ҳиссаси доирасидалиги бироқ бу ҳолат мажбурият учун қисман жавоб беришни назарда тутмаслигини англатиши лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, масъулияти чекланган жамият - бу:

1) фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган тижоратчи ташкилотидир. Юридик шахслар ташкил этилиш ва фаолият юритиши мақсадидан келиб чиқиб тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга бўлинади. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин (ФКнинг 40-моддаси биринчи қисми). Таъкидлаш лозимки, юридик шахсларни турларга бундай тарзда бўлиш нисбий тус касб этади, чунки бугунги кунда қонунчиликда тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг деярли барчасига тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланишга рухсат берилган. Қонун чиқарувчининг ташкилотни ташкил этиш мақсадига эришишга амалга оширилаётган фаолият хизмат қилишини назарда тутиши ҳам бир қадар баҳслидир. Юридик шахсларни тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган турларига ажратишдан мақсад шундаки, тижоратчи ташкилотлар фақат қонун ҳужжатларида назар тутилган шаклда, яъни тўлиқ ширкат, коммандит ширкати, масъулияти чекланган жамият, ҚМЖ, АЖ, шўъба хўжалик жамияти, қарам хўжалик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона шаклида тузилиши мумкин. Мазкур рўйхатни қатъий тус касб этади;

2) хўжалик жамиятларида, шунингдек масъулияти чекланган жамиятда иштирокчиларнинг капиталлари бирлаштирилади. Бироқ масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқариш кооперативи ёки тўлиқ ширкатдан фарқли равишда иштирокчиларнинг шахсий иштироқи талаб этилмайди;

3) Бир ёки бир нечта жисмоний ва юридик шахслар томонидан таъсис этиладиган жамият. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жамиятнинг иштирокчилари бўлишга ҳақли эмаслар. Чет элликлар иштирокида ташкил этилаётган жамиятнинг фирма номига унинг муассислари қайси давлатга мансублигини кўрсатувчи қайд киритилиши мумкин. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилиши мумкин бўлиб, у жамиятнинг ягона иштирокчисига айланади. Жамият кейинчалик бир иштирокчиси бўлган жамиятга айланиши мумкин. Жамият ягона иштирокчи сифатида битта шахсдан иборат бошқа жамиятга эга бўлиши мумкин эмас, бир акциядордан иборат акциядорлик жамияти жамиятнинг ягона иштирокчиси бўлган ҳоллар бундан мустасно (“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси иккинчи-бешинчи қисмлари).

Эътироф этиш лозимки, бир шахс томонидан жамият тузиш мумкинлиги амалиёти хорижий мамлакатлар қонунчилигида узоқ даврлардан буён амал қилади. Масалан, Францияда ушбу норма 1895 йилда қонунчиликка киритилган (Франция Гражданлик кодексининг 1832-моддаси) . “Бир шахс жамияти” – тадбиркорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида таваккалчилигининг чеклашнинг универсал

шаклидир. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ФКнинг 24-25-моддаларига кўра, фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. “Бир шахс жамияти”ни тузганда тадбиркор мол-мулкининг бир қисм юридик жиҳатдан жамият устав капиталини шакллантириш учун ажратилади ва амалда тадбиркорнинг мулкӣ таваккалчилиги ҳам ана шу мулк доирасида чекланади. Шу билан бирга, “бир шахс жамиятини” тузиш имконини назарда тутувчи давлатлар қонунчилиги, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳар доим “бир шахс жамияти” кўринишидаги масъулияти чекланган жамият ташкил этишга нисбатан чеклашлар белгилайди. Жумладан, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисмига кўра, қонунда айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг жамиятда иштирок этиши тақиқланиши ёки чекланиши мумкин;

4) иштирокчилари ўзига нисбатан мажбуриятларга эга бўлган юридик шахс. Бу эса жамият иштирокчилари жамиятнинг мол-мулкига нисбатан ашёвий ҳуқуқларга эга эмаслигини англатади. Ўз навбатида. Жамият иштирокчилар томонидан жамғарма ва бошқа улушлар шаклида топширилган, шунингдек жамият томонидан бошқа асослар бўйича қўлга киритлагн мол-мулкка нисбатан мулкдор ҳисобланади;

5) масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар;

б) тегишли барқарор тузилмага эга бўлган ташкилот. Жамиятнинг ягона ва бўлинмаслиги шу билан таъминланадқи, жамият номидан ички ва ташқи муносабатларда ҳаракат қиладиган жамият бошқарув тузилмалар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Бошқарув органларининг ваколатларини белгилар экан қонун унинг ички ташкилий тузилмаси қандай бўлишини назарда тутмайди, яъни жамият ўзининг ички тузилмавий бўлимларини ташкил этиши мумкин ;

7) жамият қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни, агар бу фаолият жамият уставининг предмети ва мақсадларига зид келмаса амалга ошириш учун зарур бўлган фуқаролик ҳуқуқлари эга бўлиши ва фуқаролик мажбуриятларини зиммасига олиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, масъулияти чекланган жамият хўжалик жамиятининг бир тури сифатида иштирокчилари томонидан берилган маблағлар ва мол-мулклар ҳисобига шаклланган устав фондига эга бўлган, иштирокчилари жамият мажбуриятлари учун жавоб бермайдиган ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун эса, ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладиган тижоратчи ташкилотдир. Юридик шахсларнинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган масъулияти чекланган жамият бизнес юритиш учун алоҳида ажратилган мулкка асосланган фаолият юритадиган ва шу йўл билан иштирокчиларнинг жавобгарлигини чеклайдиган тижоратчи ташкил сифатида тавсифланади. Бу эса ўз навбатида масъулияти чекланган жамиятнинг хўжалик жамиятлари тизимида тутган ўрнини мустаҳкамлайди.